

М. АБДУЛЛАЕВА

ИЖОДКОР ЭТИКАСИ ВА ПЕДАГОГИКА

ТОШКЕНТ 2019 йил

Аннотация

Бу мақола режиссёр ва актёрларнинг ўқитиш жараёнида одоб ахлоқ, муомила маданиятига аҳамият қаратиш ҳақида.

Этика ва педагогика

Кишиларни маданиятли, маърифатли, юксак онгли қилиб тарбиялашда санъат муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, ҳукуматимиз томонидан таъсис этилган кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва таълим тўғрисидаги қонуннинг амалда бажаришни шу даргохдан бошлаш керак ва ҳатто зарур. Санъат деганда – инсонни руҳий покланиш ва юксалишга даъват этадиган, инсонни ички дунёсини бойитадиган, унинг имон иродасини, эътиқодини мустаҳкамлайдиган, виждонини уйғотадиган, қудратли кучни тушунамиз.

Бу куч манбаларидан бири – Театр. Театрда эса инсонларни шу санъат тури билан боғлаб турувчи восита – режиссёр. Режиссёр Театр жамоасини ижтимоий – психологик муҳитини яратувчиси ҳисобланади, бу унинг педагогик фаолиятига тўғридан тўғри боғлиқдир.

Режиссёр жамоа раҳбари бўлиб, ташкилотчи сифатида ҳам намоён бўлади. Режиссёрнинг Театр жамоаси ўртасидаги тарбиявий иши, метод ва усуллари, педагогик фаолият билан тўғридан тўғри боғлаш мумкин.

Тарбия жараёнида тарбиячи ва тарбияланувчининг кучи, имконияти, индивидуаллиги, интеллект ва қандай шахс эканлиги муҳим рол ўйнайди. Тарбия амалиёти шуни кўрсатадики, устозларимиз ўз ўқувчиларини ўзлари кўп йиллик тажрибада орттирган услублардан фойдаланган ҳолда тарбия қиладилар. Бу услублар тарбиянинг методлари деб аталади. Методларни такомиллаштириш вазифаси ҳамиша долзарб бўлиб, режиссёр ўз кучи ва имкониятлари даражасида уни ҳал қиладди. Методларни яқка тартибда такомиллаштирилиши тарбия усуллари деб аталади. Режиссёр ўз тарбия методи натижасини олдиндан кўра оладиган бўлса ва бу жараёнда ўзини индивидуал методига эга бўлса у яхши натижаларга эришади.

Педгог ўқув жараёнида режиссёрга тарбия методларини танлашда ва бу услублардан қандай фойдаланиш керак эканлигини ўргатади. Ўз навбатида режиссёр эса бу методни театрда ёки кино жамоасида қўллаши мумкин.

Масалан: жамоада вужудга келган тарбия ва ўзаро муносабат шароитларини аниқ билиши, актёрнинг шахсий хусусиятларини ўрганиши, режиссёрни қай даражада профессионалликка эга эканлиги фуқаролик ва ахлоқий қарашлари мустаҳкамлиги, фалсафий ва умум

эстетик таёргарлиги кучли бўлиши, жамоа билан бирга бўлиши ва уни қўллаб қувватлаш каби жихатлар муҳим ўрин тутади.

Ижодий жараённинг жамоавийлик принципини амалга оширишда шундай ижодий муҳитни ташкил этиш лозимки, жамоанинг ҳар бир аъзоси унда принципаллик, малакали ва ҳолисона танқид ўзига нисбатан юқори талабчанлик қонун даражасида устувор эканлигини тушунсин. Бунга амал қилган ҳар бир жамоа ўзи фаолият кўрсатаётган театрнинг ғоявий – бадиий жихатларни тўлақонли равишда амалга оширади.

“Санъатни ўзингда севгин, ўзингда санъатни эмас”, деб ёзади Станиславский.⁽¹⁾

Замонавий режиссёр сахнанинг юксак қобилиятли ижодкори, жамият ва халқ олдидаги масъулиятини чуқур англовчи жамият аъзосидир.

Ғоявий, эстетик ва профессионал тарбияга асосланган ўзбек театр мактаби педагоглари ҳар доим ўз имкониятларини ишга солиб келганлар.

Режиссура – бу алоҳида қобилиятни талаб қилувчи касбдир. Бунда ижодкорнинг фазилатлари, манъавий бойлиги, шахснинг ташкилий, педагогик қобилиятлари билан нихоят даражада чамбарчас боғлиқ кетади.

Режиссёр – ташкилотчи, билимдон, хушмомила, ахлоқи етук шахс бўлиши керак. Шу сифатларни ўзида жам этган режиссёргина – педагог режиссёр бўлиши мумкин. Жамоада режиссёр – педагог номини қозониш бу шахснинг дунё қарашига, тафаккурига, фикр юритиш даражасига боғлиқдир.

Хозирги даврда режиссёрга муҳтож пойтахт ва вилоят театрлари фаолиятига назар солсак, кўпгина театрларда режиссёрлар етишмайди. Мусиқали театр режиссёрлари эса умуман танқис ҳисобланади. Баъзи театрларда кўғирчоқ режиссёрлиги бўлимини тугатган режиссёрлар бош режиссёр лавозимини эгаллайди. Актёрлик бўлимини тугатган кадрлар эса театрни бош режиссёри этиб тайинланади. Республика кўғирчоқ театри неча йиллардан буён мутахассисга яъни кўғирчоқ театри режиссёрига муҳтож. Бундай ҳолатларга кўп дуч келамиз. Институтни битирган ёш мутахассисларга эса иш йўқ. Агар мутахассис кадрларни ўз ўрнига қўйилса, уларни қўллаб – қувватлаб керакли диққат эътибор қилиб ёрдам берилса албатта бу йўналиш муаммоси ҳал бўлган бўлиши мумкин эди.

Шу ўринда айтиш лозимки, ҳар йили режиссёр мутахассислиги бакалавр дипломини олиб кетаётган ёшлар қаерларда ишляпти, улар ўз

мутахассисилиги бўйича фаолият кўрсатяптими? Бу савол саволлигича қолиб кетяпти.

1 К.С.Станиславский. Собрание сочинений. Т.1. –Москва, 1954 – 1961. С. 224

Санъат институтига режиссёрлик касбини эгаллайман деб ҳар йили жуда кўп ёшлар келишади. Шулар ичидан озгина лаёқати ва иқтидори бор абитуриентлар танлаб олинади. Ўқиш жараёнида бирдан маълум бўладикки, баъзилар нотўғри кириб келган, режиссура билан шуғулланишга у ёки бу сифатлар унда намоён бўлмайди. Лекин улар ўқишни давом эттираверадилар. Педагог ҳам “талаба жуда тиришқоқ, ҳар доим дарсга келади, майли гуруҳга шунақа характерли талаба ҳам керак,” – деб босқичдан босқичга ўтказади ва бахосини қўйиб бераверади.

Натижада шу талаба диплом олиб институтни битиради ва албатта театрга ишга киради. Мехнат фаолиятида бирорта яхши спектакл қўя олмайди. Бир ўринни банд қилиб умрини охиригача шу театрда юраверади. Бундай режиссёрлар жуда кўп. Исми шарифларини айтиш шарт эмас. Бу нима? Педагогни хатосими ёки кўнгли бўш бўлганими? билмадим. Лекин институтда ўқиш жараёнида ана шундай воқеаларга педагог каттиқ туриш лозим. Менимча, ҳозирги пайтда театрда режиссёрларнинг камайиб кетиши, вилоят театрларида яхши спектаклларни кам қўйилиши асосий сабабларидан бири шу бўлса керак.

Агар институт даргоҳида ҳам педагог кадрлар ўз ўрнида бўлиши таъминланганда эди битирувчи мутахассисларни ҳам ўз ўрнига қўйилишда театр ижодий жамоаси жиддий ёндошиб, уни ўз назоратига олиб ёш мутахассисларни қўллаб – қувватлаганда балки юқорида айтиб ўтган ҳолатга тушиб қолмаслигимиз мумкин эди.

Ташкил қилинаётган ёш режиссёрлар театр фестивали бу ҳолатни яхшилаш мақсадида қилиняпти десак янглишмаймиз. Аммо бу денгизга бир томчи деган гап ҳалос. Ёш режиссёрларнинг театрдаги фаолияти институт даргоҳида олган билимларини янада мустаҳкамлаш, уни ривожлантириш, камолот сари бориши ва ютуқларни қўлга киритишини кузатиш бу педагогларнинг асосий мақсадидир.

Ҳар бир режиссёр биринчи курсдан бошлаб алоҳида актёрлик маҳоратидан сабоқ оладилар. Биринчи курсда актёрлик маҳоратидан ўзлари актёр бўлиб машқлар қилишади. Шу билан баробар режиссурадан назарий маърузалар эшитадилар. Биринчи курснинг охири яъни рейтинг назоратига ўзлари актёр сифатида ижро қилган этюдлар кўрсатилади. Режиссурадан эса назарий суҳбат бўлиб ўтади.

Иккинчи курсда эса биринчи йўналишда инсценировкалар олинади ва бу жараёни академик иш услуби деб атаймиз, режиссёрларнинг ўзлари инсценировкадаги образларни ижро этадилар. Адабий парчалар, пьесалардан лавхалар ҳам иш жараёнига олинади мумкин. Иккинчи йўналишда танлаб олинган адабий парчаларни ёки инсценировкаларни назарий химояга тайёрланади. Бу жараёнда режиссёрлар парчани адабий тахлили устида, режиссурани тарихи ҳақида назарий билимларини бойитиб алоҳида савол – жавобга тайёргарлик кўрилади.

Учинчи йўналишда ўзлари танлаган адабий парчаларини актёрлик курси талабалари билан режиссёр сифатида илк бор сахналаштирадилар ва уни ҳам рейтинг назоратида кўрсатадилар. Демак иккинчи курсдан бошлаб ўқув жараёни уч йўналишда давом этади.

Учинчи курсда эса асарнинг бир акти, қисми, ёки пардаси иш учун олинади. Қолган жараёнда аввалги курсларга ўхшаб иш давом этади. Академик парчалар назарияда эса асарнинг режиссёрлик хатти – ҳаракат тахлили, режиссура назарияси, атоқли режиссёрлар ижодидан ёзиб курсда уни ўқиш беради. Бошқа режиссёрлар спектакллари, фильмларини кўриб курсда таҳлил қилади, курсдошлар бир бирининг ишларини узлуксиз кузатиб борадилар.

Тўртинчи курсда актёрлик маҳоратидан диплом спектакли топширадилар. Бу спектакл институт ўқув театирида бўлиб режиссёрлар ўзлари актёр сифатида рол ижро этадилар. Сўнгра эса пойтахт ва вилоят театрларига диплом спектакларини сахналаштириш учун жўнаб кетадилар. Бу диплом спектаклларни кафедра ва театр жамоалари қабул қилишади. Диплом спектакли ишлаш жараёнида энди улар профессионал актёрлар билан иш олиб борадилар. “Агарда сиз песани тўғри тушунган бўлсангиз, унинг ғояси, суюжети, конфликт ва ўзингиздаги образни, характерни тарбиялай оласиз”².

Давлат имтихонлари бошланса талабалар ўша қўйилган спектакллари назарий химоя қиладилар. Бу ўқув жараёнлари бакалавр дипломини олиш учун бўлган ўқиш жараёнидир.

Афсуски бу жараёнда ҳамма бир хилда яхши натижага эриша олмайди. Кимлардир аъло баҳолар билан, кимлардир ўрта, кимлардир зўрға ўтиб олади. Хатто охириги курсга келиб, уни тугатаолмай кейинги йилга ҳам қолиб кетади.

Режиссёрларни бундай ўқитиш жараёни драматик театр режиссёрларни тайёрлаш бўлимида шу таҳлил ўтади. Бошқа бўлимларда: - эстрада театр режиссёрлиги, мусикали театр режиссёрлиги, Кўғирчоқ театр режиссёрлиги, телевидение режиссёрлиги бўлимларида ўзини мутахассислигига қараб ўқув жараёни ташкил этилади.

Ана шу тўрт йиллик ўқув жараёнида педагог ҳар бир талабани ўсиши, уни дунё қарабини шаклланиши, талабанинг курсдошларига бўлган муносабатини қай йўсинда бориши, профессионал касбга бўлган интилиши, инсоний характерини шаклланиши ва бошқа интеллектуал

2 К.С.Станиславский. Собрание сочинений. Т.2. –Москва, 1954 – 1961. С. 337

фикр доирасини ўзгаришини кўрсатади. Педагог дарс мобайнида энг аввало ҳақиқатга амал қилиши лозим. Агар педагог ўзи холис бўлмаса бу талабаларга ҳам таъсир қилиши мумкин. Кейинчалик театрда борганда режиссёр сифатида ҳақиқатпарвар бўлмаса жамоа орасида норозиликлар туғилади ва бу албатта ижодга салбий таъсир кўрсатади. Демак педагог учун ҳамма талабага бир хил кўз билан қараши, холис бўлиши муҳим рол ўйнайди. Педагог талабчан бўлиши керак. Агар талабчанлик қилмаса, юмшоқ характерлик бўлса бу ҳам режиссёр талабага таъсир қилади. Кейинчалик театрда жамоани қаттиқ ушлай олмаса унга жамоа бўйсунмай қўяди. Бу ҳам ижод ривожига ҳалал беради. Педагог интизомли бўлиши керак. Интизом бўлмас экан жамоадан интизомни талаб қила олмайди. Ўқиш жараёнида ҳар бир талабага китоб ўқишга меҳр уйғота билиши зарур. Тасаввурини бойитишини, актёрларга таъсир кучини ўткази билиши, ўзини орқасидан ҳамфикр актёрларни эргаштира олиши, ҳаётини тажрибага эга бўлиши ва бошқа кўпгина омиллар борки уларни педагог беихтиёр равишда талаба режиссёрга йиллар давомида сингдира боради. Ҳар бир омил кейинчалик режиссёр театрда борганда ўзини ижобий самарасини беради. Ана шу институт даргоҳида олинган кўникмалар, назарий билимлар қандай бўлса талабага ана шу билимлар ижодий фаолиятида қайси жамоа билан ишласа ўша жамоада қўллайди яъни “Қуш уясида кўрганини қилади” дейди халқимиз.

Биз кўп ҳолларда учратамизки режиссёрлик касбини эгаллаб улгурмасдан баъзи бир “режиссёрлар” репетиция жараёнида актёрлар билан жуда кўпол, курс, ўта тажанглик билан муомилада бўладилар. Актёрларга бақирадилар, уларнинг иззат нафсини жамоа ичида бир пул қиладилар. Ўзларини “Мен режиссёрман” деб актёрларни камситадилар.

Минг афсуслар бўлсинки бундай ҳолатлар баъзи режиссёрларда учраб туради. Энг аввало педагог ўқув жараёнида бўлгуси талабани ана шундай “Қасалликдан” сақлаши керак. Театрда режиссёр меҳнатини юзага чиқарадиган бу актёр. Спектакл яхши чиқса олиқшни актёр олади, ёмон чиқса режиссёр дашном эшитади деган касбий нақл бор. Актёрни севиб, ардоқлаб, меҳнатини қадирлаган режиссёрни ҳар бир спектакли муваффақият қозонади. Бу фикрларни ўқув жараёнида педагог

талабага сингдириши лозим. Режиссёрни характери, ўзини тута билиши ўзгаларга ибрат бўлмоғи лозим. Режиссёр ўз касбини сир – асрорларини чуқур билса у шу даражада юқори эъозланадиган режиссёрлар сарасига киради. Спектаклни чуқур тахлил қила билиши, пьесадаги автор ғоясидан келиб чиқиб режиссёр ўз ечимини аниқлаган холда спектакл жанрини топиши унинг мазмуни ва шаклини маҳорат билан белгилаши, режиссурада янгилик яратиши, спектаклни шартли равишдаги ҳақиқатини томошабинга етказиши, режиссёр ғояларини томошабинга етказишда актёрларни маҳорати асосий воситачи эканлигини унутмаслиги спектакл ташқи беағи устида қайғуриши режиссёр ва актёр муносабатлари спектаклни мофақиятини белгилаши мумкунлигини ҳар доим хис қилиши, пьесани мавзуси долзарблигига алоҳида диққат қилиши – режиссёрнинг иқтидорини ва режиссурадаги лаёқат даражасини белгилайди. Бу фикрлар алоҳида мавзу бўлиб уни ўрганиш ва ўргатиш жараёни ўқув дастурининг асосини белгилайди. Бу муаммолар ҳар бирига алоҳида тўхталишни талаб қиладиган мавзудир.

Режиссёрнинг фикр юритиш доираси бошқа ижодкорларнинг фикр юритишдан фарқ қилиши лозим. Режиссёрлар бошқалардан ўзгача фикр юритиши ва тасаввурга бой бўлиши талаб этилади. Режиссёрлар агар ҳаммага ўхшаб фикр юритса унда томошабинларга унинг фикри қизиқиш уйғотмайди. Режиссёрнинг фикри томошабинда қизиқиш уйғотмадими демак унинг спектакли инкирозга юз тутади. Режиссёр ўзини ҳеч кимникига ўхшамайдиган ғояси, методи, услублари билан томошабинни хайратга сола билиши керак. Шундагина томошабин ўша режиссёрнинг ижодига мафтун бўлади ва кейинги ижод намунасини интизорлик билан кутади. Агар режиссёр ўзининг индивидуал, ғаройиб ишлари билан томошабин қалбига йўл топмас экан, ўртача, бошқаларга ўхшайдиган, оддий, “Эл қатори” режиссёр бўлади. Устозлар шундай дейдилар: “Агар ижодкор бўлсанг яхши ижодкор бўлгин, ёки ёмон бўл. Лекин ўртача бўлмагин”. Бу фикр жуда туғри. Устозларимиз ана шундай сабоқларни режиссёр талабаларга сингдириб келганлар. Режиссёр талабалик даврини тугатиб театрда кириб келганда жамоа билан тил топишиб янги спектаклллар устида иш олиб бориш жараёнида юқоридаги фикрларни бир зум ҳам ёддан чиқармаган холда иш бошласа мақсадга мувофиқдир. Устозлар режиссёрларни ҳаётга учирма қилганларидан кейин ҳам уларни ишини кузатиб, ўзларини баҳоларини бериб, ижод йўлида қоқилганда ёрдам бериб, туғри йўлга тушиб олишда маслаҳат берса ёш режиссёрлардан буюк режиссёрлар етишиб чиқиши мумкун. Улар ўзбек театрининг ривожига ўз хиссаларини қўшадилар ва унутилмас ижод мактабини мерос қилиб қолдирадилар .

Мунаввара Абдуллаева
“Муסיқали, драматик театр ва кино
санъати ” кафедраси профессори

Фойдаланилган адабиётлар

1. М. Абдуллаева, Режиссура. Тошкент.: “Адабиёт учқунлари” 2016 й.

- Захова Б.Е. Мастерство актёра и режиссёра. – Москва: Просвещение, 1978. – 336 с.
- Станиславский К.С. Актёрнинг ўз устида ишлаши. – Тошкент: Бадий адабиёт нашриёти, 1965.
- Тўлахўжаева М.Т. Ўзбек драма театрининг режиссураси. – Т.: 1995.
- Усмонов Р. Режиссура. – Т., 1997.